

Кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда

ЯШИЛ ЛИБОС – ВОҲАМИЗГА МОС

Ўлкамизга баҳор кириб келиши билан уйғониш, яшариш, яшнатиш жараёнлари ҳамма ёқда қизгин паллага кирди. Она табиат ясан-тусанда. Қисқа муддат ичида чор-атроф яшил либосга бурканди. Ховлилар, боғлардаги мевали дарахтларда оқ, алвон, гунафша, пушти ва бошқа рангларда товланиб турган турфа гуллар қалбни қувонтиради.

Энг қувонарлиси, айни манзаралар инсонга бетимсол куч-ғайрат бағишлаб, уни экиш, яратиш, яшнатиш ишларида фаол қатнашишга ундамоқда.

Боғлар барпо этиш, яшил ихотазорлар яратиш ишлари авжида. Шу юзадан давом этаётган ҳаракатда олдинги сафларда бўлиб, шаҳру қишлоқларимизни яшил либосга буркаб, юртимизнинг янада чирой очиши, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш барчанинг фаолият шиорига айланган.

Аслида яшиллик дунёсининг инсон ҳаётидаги, унинг соғлигини мустаҳкамлашдаги ўрни, роли бекиёс. Ўрмонлар, далалар атрофида барпо этилган ихотазорлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, иқлимни мўътадиллаштириш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириши билан бирга инсон саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти жуда катта. Илмий манбаларнинг далолат беришича, бир гектар майдондаги дарахзор ҳаводан карбонад ангидрид гази ва бошқа аралашмаларни ўзлаштириб, йил давомида 18 миллион куб метр ҳавони тозалайди. 10-20 тонна кислород ишлаб чиқаради.

Бинобарин, Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республи-

касининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳмасининг 2020 йил 18 февралдаги "Давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокими қабул қилган қарорда ҳам вилоят ва туманлар марказлари, шунингдек, йирик аҳоли истиқомат жойларида "яшил белбоғлар" яратиш, ўрмон фонди худудини бутун чоралар билан кенгайтириш, сифатини ва хилма-хиллигини ошириш, бунёдкорлик объектлари лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш майдонларида ўсаётган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг сақлаб қолинишига эришиш чораларини кўриш, кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш муҳим вазифалар сифатида кун тартибига қўйилганлиги бежиз эмас.

Кўплаб меҳнат жамоалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ана шу йўл-йўриқ, кўрсатмаларга амал қилган ҳолда яшил бойликлар саҳнини кенгайтиришга, ховлилар, кўчаларга, далалар атрофларига манзарали дарахтларнинг ранг-баранг кўчатларини ўтказишга интилоқдалар.

Шовот тумани Қатқалъа қишлоғидаги Элёр Душамов бошлиқ "Шовот оқ олтини" фермер хўжалиги аъзоларининг шу борадаги фаолиятини олайлик. Улар бу йил кўкламги экиш мавсумига пухта тарадуд кўрдилар. Дала



шийпони атрофида мўъжазгина янги боғ яратиш билан бирга далалар, сугориш шохобчалари атрофларига тўрт минг тупдан зиёд тут ва манзарали дарахтлар кўчатларини ўтказдилар. Бундан ташқари, экинзорлар атрофига бир текис экилган, можевельник дарахтлари қишин-ёзин ям-яшил бўлиб, далалар кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Ховлиси яшил либосга бурканган, чор-атрофида турфа гуллар очилиб турган корхона, ташкилот, муассасалар вилоятимиз марказида ҳам талайгина, "Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси ана шундай кўркама масканлардан бири. Унинг олд томонида ям-яшил бўлиб турадиган туйя дарахтлари, очилиб турган рангбаранг гуллар кўрган кўзларни қувнатади.

Урганч шаҳар ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, вилоят кўз касалликлари муассасаси бинолари атрофидаги кўркама манзаралар ҳам ҳар қандай кишига ҳуш кайфият бағишлайди.

Юртимизда ана шундай хушманзара масканлар қанчалик кўп бўлса, атроф-муҳит шунчалик мусаффо, тоза бўлади. Шу боис ҳамишагидек жорий йилнинг баҳор фаслида ҳам шаҳру қишлоқларимиз кўчахиёбонларига турли хил манзарали дарахтлар кўчатларини ўтказиш, гулзорлар барпо этиш ишлари авжида.

Катальпа дарахтлари ёз бўйи чиройли ҳолда гуллаб туриши билан элдошларимизга манзур бўлмоқда. Шу боис

жорий йилда ҳам катальпазорлар саҳнини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Хива шаҳри ва Хонқа туманида катальпа кўчатларини экиш бўйича белгиланган топшириқ барвақт ва сифатли адо этилди. Боғот тумани ва Хива шаҳрининг кўкаламзорлаштириш хизмати ходимлари япон сафораси, Ҳазорасп ва Хонқа туманлари зироаткорлари тут кўчатлари ўтказиш ишларини муваффақиятли адо этидилар. Бу туманларда, шунингдек, Урганч шаҳрида Шарқ туйяси кўчатларини экиш режалари ҳам шу кун-эрта адо этилади.

Шумтол дарахти кўчатларини ўтказишда Боғот, Гурлан, қайроғоч бўйича Хива, Янгиариқ, тут кўчатлари бўйича Гурлан, Янгиариқ, академия ва тераклар кўчатларини ўтказиш борасида Боғот, Ҳазорасп, Янгиариқ туманлари кўкаламзорлаштириш хизмати ходимлари пешқадамлик қилмоқдалар.

Айни экиш мавсумининг ҳар куни, ҳар дақиқаси ўлчовли, кадрли. Бинобарин, куч-имкониятлардан унумли фойдаланиб, кўкаламзорлаштириш тадбирларини бутун чоралар билан жадаллаштириш лозим. Токи, чор-атрофимиз тўлалигича яшил либосга, ховлию майдончаларимиз турфа гулларга буркансин!

Оллаберган РАҲАБОВ.